



**А Ж Р И М**

(аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида)

Беруний тумани                      2022 йил 24 октябрь                      4-2302-2203/2259-сонли иш

Беруний туманлараро иқтисодий судининг судьяси Б.Т.Бекмуратов раислигида, судья ёрдамчиси С.Кучкаровнинг котиблигида, аризачи вакили [REDACTED] (2022 йил 25 август кунги 9/22-1437-сонли ишончнома)нинг иштирокида, аризачи [REDACTED]

жавобгар [REDACTED]

[REDACTED] фермер хўжалигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 51 ва 60-бандларига асосан 9 578 160 сўм жарима қўллашни ҳамда ундириб бериш ҳақидаги аризаси бўйича ишни Эллиққалъа туман давлат солиқ инспекциясининг биносида очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Аризачи [REDACTED]

[REDACTED] (бундан буён матнда – аризачи) иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] ФХ (бундан буён матнда – қарздор)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 51 ва 60-бандларига асосан 9 578 160 сўм жарима қўллашни ҳамда ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили ариза талабини қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили суд мажлисида қатнашмади ва ўзининг ёзма фикрини судга тақдим қилмади.

Суд иш ҳужжатларида жавобгарнинг суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эканлигини ҳисобга олиб, ишни Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда –

ИПК) 128 ва 170-моддаларига мувофиқ унинг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

**Суд аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларига ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларга кўра даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топди.**

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, бундан олдин аризачи иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 51 ва 60-бандларига асосан 9 578 160 сўм жарима қўллашни ҳамда ундириб беришни сўраган.

Суднинг 2022 йил 17 октябрь кунги 4-2302-2202/2228-сонли ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, жавобгарга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 51 ва 60-бандларига асосан 4 788 160 сўм жарима қўлланиш ва қўлланилган жарима ундириш ҳамда қўлланилган жаримани ундириш инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига юклатиш белгиланган. Ҳал қилув қарори бугунги кунда қонуний кучига кирмаган.

Шундан сўнг аризачи такроран худди шундай мазмундаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда – ИПК) 107-моддасининг 1-бандига биноан фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, ҳакамлик суди, арбитраж суди иш юритувида айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, суд даъво аризаси кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Шу боис, суд ушбу иш бўйича аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

Шунингдек, ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Лекин, аризачи ва жавобгар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ни Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига биноан аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган деб белгилангани учун тарафлар давлат божи тўловидан озод этилган.

Шу билан бирга, ушбу иш бўйича олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажатини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топди.

Шу сабабли, суд тарафлардан давлат божи ва почта харажатини ундирмасликни лозим топди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 1-банди ва 195-моддасини қўллаб, суд

**А Ж Р И М Қ И Л Д И :**

Ариза кўрмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажримдан норози тараф шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига ўн кунлик муддат ичида апелляция шикояти бериши (протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**Б.Т.Бекмуратов**